

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
АНДИЖОН ФИЛИАЛИ**

ХАТАМОВ САЛИМЖОН РАХИМЖОН ЎҒЛИ

**ОЧ ТУСЛИ БЎЗ ТУПРОҚЛАР УНУМДОРЛИГИ ВА ЭКИНЛАР
ҲОСИЛДОРЛИГИГА ОРГАНО-МАЪДАН КОМПОСТ ҲАМДА
ЎҒИТЛАР МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ
(Андижон вилояти шароитида)**

06.01.01 – Умумий деҳқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of
agricultural sciences**

Хатамов Салимжон Рахимжон ўғли

Оч тусли бўз тупроқлар унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигига органи-
маъдан компост ҳамда ўғитлар меъёрларининг таъсири 5
(Андижон вилояти шароитида).....

Хатамов Салимжон Рахимжон угли

Влияние органоминеральных компостов и норм удобрений на
плодородие светло-сероземных почв, а также урожайность культур
(в условиях Андижанского вилоята)..... 23

Hatamov Salimjon Rakhimjon ugli

Influence of the application norms of organic-mineral compost and fertilizers
on fertility of the light sierozem soils and productivity of agricultural crops
(in conditions of the andijan province)..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
АНДИЖОН ФИЛИАЛИ**

ХАТАМОВ САЛИМЖОН РАХИМЖОН ЎҒЛИ

**ОЧ ТУСЛИ БЎЗ ТУПРОҚЛАР УНУМДОРЛИГИ ВА ЭКИНЛАР
ҲОСИЛДОРЛИГИГА ОРГАНО-МАЪДАН КОМПОСТ ҲАМДА
ЎҒИТЛАР МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ
(Андижон вилояти шароитида)**

06.01.01 – Умумий деҳқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Qx268 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университети Андижон филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.cottonagro.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyo.net манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Иминов Абдували Абдуманнобович**
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар: **Орипов Раззоқ Орипович**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Болтаев Сайдулла Махсудович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc. 27.06.2017. Qx.42.01 рақамли Илмий кенгашнинг «_____» _____ 2018 йил соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Ў, ЎзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел: (+99895) 142-22-35; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: piim@agro.uz)

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Ў, ЎзПТИТИ кўчаси.

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Н.Нурматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, к.х.ф.д., профессор

Ф.М.Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.х.ф.н., катта илмий ходим

Д.Х.Ахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда дунёнда ғўза 84 та мамлакатда, жами 32-33 млн. гектар майдонда экилиб, ҳар йили 25 млн. тоннадан ортиқ пахта ҳосили етиштирилмоқда. Шунингдек, кузги буғдой 220,4 млн. гектар майдонга экилиб, ўртача дон ҳосили гектарига 31,1 центнерни ташкил этади¹. Такрорий экин сифатида дуккакли-дон экинлари 91,6 млн. гектар майдонга экилиб, ўртача дон ҳосили 12,0-13,0 центнерни, ялпи ҳосил эса 206,4 млн. тоннани ташкил этади².

Дунё қишлоқ хўжалиги амалиётида қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларида ғўза ва ғўза мажмуидаги экинлардан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун уларни озиклантириш меъёрларини экин турларидан келиб чиққан ҳолда белгилаш ҳамда органиано-мадан компостларни қўллаш орқали маъдан ўғитлар меъёрларини камайтириш бўйича олиб бориладиган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, кузги буғдойдан бўшаган майдонларга такрорий экин сифатида тупроқнинг унумдорлигини оширувчи, аҳолини озик-овқат ва чорвани ем-ҳашак маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўла қондиришга хизмат қиладиган экин турларини танлаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Республикада аҳолини озик-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш ва тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларга такрорий экинларни экиш кенг йўлга қўйилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида “... қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, мамлакат озик-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторининг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш” муҳим стратегик вазифалар сифатида белгилаб берилган. Шу жиҳатдан, республикада кенг қўлланилаётган қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларида ғўза мажмуидаги экинлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда кузги буғдойда қўлланиладиган маъдан ўғитлар меъёрларига қўшимча равишда органиано-мадан компостларни қўллаш, такрорий экин сифатида сояни экиб, тупроқ унумдорлигини ошириш ва шу орқали келгуси йили парваришланадиган ғўзада маъдан ўғитлар меъёрини камайтириш бўйича илмий-тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2832-сон «2017-2021 йилларда республикада соя экишни кўпайтириш ва соя дуккакли экинларини ўстиришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10-февралдаги 105-сон «Республикада соя етиштириш хажмларини янада кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

¹ <http://ab-centre.ru/page/proizvodstvo-pshenicy-v-mire-strany-proizvoditeli-pshenicy>

² <http://www.uz.denemetr.com>

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф–муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суғориладиган ерларда бир даладан икки ҳосил етиштириш ҳамда навбатлаб экиш тизимларини қўллаш орқали тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича Қ.М.Мирзажонов, Р.Орипов, А.Э.Авлиёқулов, Б.М.Халиков, М.Хамидов, И.В.Массино, Ф.Б.Намозов, А.А.Иминовлар, ғўзада маъдан ва маҳаллий ўғитларни қўллаш самарадорлигини аниқлаш бўйича Ф.А.Скрябин, И.Мадраимов, Қ.Розиков, Н.Н.Зеленин, Б.Х.Тиллабеков, Б.И.Ниёзалиев ва бошқалар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Аммо суғориладиган ҳудудларда тупроқнинг унумдорлигини яхшилаш ва оширишда ғўза ва ғўза мажмуидаги экинлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:1, кузги буғдой+такрорий экин – соя: ғўза тизимида кузги буғдойда қўлланилган органиано-маъдан компостнинг такрорий экин соя билан биргаликдаги ғўзанинг маъдан ўғит меъёрларига боғлиқ ҳолда тупроқнинг унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Тошкент давлат аграр университети Андижон филиалининг “Бир майдондан бир йилда 2-3 хил қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш усулларини ишлаб чиқиш” (2011-2015 йй.) мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси ҳамда ҚХА-9-116-2015. “Қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларида такрорий экин сифатида озик-овқат учун етиштириладиган дуккакли-дон экинларининг мақбул озиклантириш меъёрларини ишлаб чиқиш” (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:1, кузги буғдой+такрорий экин - соя: ғўза тизимида тупроқнинг унумдорлиги, экинлар ҳосилдорлигига органиано-маъдан компост ҳамда маъдан ўғитлар меъёрларининг таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оч тусли бўз тупроқлар шароитида кузги буғдойда қўлланилган маъдан ўғитлар ва органиано-маъдан компостнинг таъсирида анғиз ва илдиз қолдиқларини тўпланиши ҳамда улар таркибидаги озика моддалар миқдорини аниқлаш;

кузги буғдойда қўлланилган органиано-маъдан компостнинг сўнги таъсирида такрорий экин соянинг ўсиши, ривожланиши ҳамда уларнинг тупроқда қолдирган анғиз ва илдиз қолдиқларининг тупроқ унумдорлигига таъсирини аниқлаш;

кузги буғдой ва такрорий экин соядан кейин экилган ғўзанинг ўғит меъёрларига боғлиқ ҳолда тупроқнинг агрофизикавий ва агрохимёвий хусусиятларининг ўзгаришини таҳлил этиш;

ғўзанинг маъдан ўғит меъёрларига боғлиқ ҳолда унинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва толасининг технологик сифат кўрсаткичларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, оч тусли бўз тупроқлар, маъдан ўғитлар, орғано-маъдан компост, кузги буғдойнинг “Краснодарская-99”, соянинг “Орзу” ва ғўзанинг ўрта толали “Андижон-36” навлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида кузги буғдой, такрорий экин соя ва ғўзани парваришлаш агротехнологияси, тупроқнинг агрофизикавий ва агрохимёвий хоссалари, ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала тажрибаларини жойлаштириш, ҳисоблашлар ва кузатувлар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”, тупроқ ва ўсимликлардаги таҳлиллар “Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах” услубий қўлланмалари асосида олиб борилган. Олинган натижаларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel дастури ва Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” услубий қўлланмаси ҳамда иқтисодий самарадорлик Н.А.Баронов усули асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

илк бор Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:1, кузги буғдой+такрорий экин-соя:ғўза тизимида тупроқ унумдорлигини оширишда кузги буғдойда қўлланилган маъдан ўғитлар ва орғано-маъдан компостнинг самарадорлиги аниқланган;

кузги буғдойдан кейин экилган соянинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига орғано-маъдан компостнинг сўнги таъсири аниқланган;

тупроқнинг агрофизикавий ва агрохимёвий хусусиятларининг ўзгаришига кузги буғдойда қўлланилган орғано-маъдан компостнинг сўнги ва соянинг таъсирлари аниқланган;

қўлланилган орғано-маъдан компост ва такрорий экин соянинг ғўзадаги самарадорлиги ўғит меъёрларига боғлиқ ҳолда асосланган ва азотли ўғитларни тежаш имконияти аниқланган;

орғано-маъдан компост ва такрорий экин соянинг ғўзани вилт касаллиги билан зарарланиши ва улар таъсирида касалликка чидамлилиги орғанлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:1 тизимида кузги буғдойда маъдан ўғитларнинг N-180, P₂O₅-125, K₂O-90 кг/га меъёри + 15 т/га орғано-маъдан компост қўлланилган фонларда тупроқнинг 0-50 см қатламида кузги буғдойнинг анғиз ва илдиз қолдиқлари миқдори жами 38,9-39,8 ц/га ни ташкил этиб, фақат маъдан ўғитлар қўлланилган вариантга нисбатан 6,1-5,7 ц/га юқори бўлган. 1 гектар ерда қолган умумий азот миқдори эса 41,9-44,2 кг ни ташкил этиб, 17,0-18,2 кг/га юқори бўлганлиги аниқланган;

тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш учун қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:1, кузги буғдой+такрорий экин-соя : ғўза тизимида кузги буғдойда маъдан ўғитларнинг N-180, P₂O₅-125, K₂O-90 кг/га меъёри + 15 т/га органиано-маъдан компост қўллаш ва такрорий экин сифатида соя экиб, ғўзада маъдан ўғитларнинг N-150, P₂O₅-100, K₂O-75 кг/га меъёри қўлланилса тупроқдаги умумий чиринди миқдори 0-30 ва 30-50 см қатламларида 1,100-0,950 %, азот 0,115-0,090 %, фосфор 0,196-0,176, калий эса 1,68-1,59 % ни ташкил этиб, кузги буғдойда фақат маъдан ўғитлар қўлланилиб, сўнгра соя экилган вариантга нисбатан 0,012-0,005 %, 0,005-0,002 %, 0,003-0,003 % ва 0,006-0,005 % га юқори бўлганлиги аниқланган;

нисбатан юқори пахта ҳосили кузги буғдойда маъдан ўғитларнинг N-180, P₂O₅-125, K₂O-90 кг/га меъёри + 15 т/га органиано-маъдан компост қўлланилиб, сўнгра такрорий экин сифатида соя экилган вариантда, ғўзада маъдан ўғитларнинг N-150, P₂O₅-100, K₂O-75 кг/га меъёри қўлланилганда олинган ва 3 йилда ўртача 39,8 ц/га ни ташкил этган. Соянинг таъсиридан 6,4 ц/га, компостнинг сўнгри таъсиридан 2,0 ц/га, компост билан соянинг биргаликдаги таъсиридан эса 8,4 ц/га қўшимча ҳосил олинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг дала ва лаборатория усулларида фойдаланилган ҳолда математик–статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларни амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажриба натижаларининг маҳаллий ва чет эл илмий тадқиқотлари билан таққосланганлиги, олинган маълумотлар мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги ва тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқариш шароитида кенг жорий этилганлиги, Республика ва Ҳалқаро илмий-амалий конференцияларда маърузалар қилинганлиги, шунингдек Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда илмий мақолалар чоп этилганлиги натижаларининг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:1, кузги буғдой+такрорий экин-соя:ғўза тизимида тупроқ унумдорлиги ва ғўза мажмуидаги экинлар ҳосилдорлигини ошириш, кузги буғдойда маъдан ўғитлар фониди органиано-маъдан компостни қўллаш ва сўнгра такрорий экин соядан кейин ғўзада маъдан ўғитларнинг меъёрларини 25 фоизга камайтириш мумкинлиги аниқланганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кузги буғдойда қўлланилган компост ва такрорий экин соянинг таъсирида тупроқ унумдорлигини мақбуллаштириш ҳамда кузги буғдой, такрорий экин соя ва ғўза ҳосилдорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларида органиано-маъдан компост ва маъдан ўғитлар қўллашнинг самарадорлигини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

фермер хўжаликлари учун “Қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларида органиано-маъдан компост ва маъдан ўғитларни қўллаш” бўйича тавсиялар ишлаб

чиқилган ва тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 25 августдаги 02/023-1016-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома Андижон вилояти шароитида фаолият юритаётган фермер хўжаликларида қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларида ғўза мажмуидаги экинларда органиано-маъдан компост ва маъдан ўғитларни қўллашда қўлланма сифатида хизмат қилган;

қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:1, кузги буғдой+такрорий экин-соя:ғўза тизимида органиано-маъдан компост ва маъдан ўғитларни қўллаш технологияси Андижон вилояти Андижон туманидаги кўп тармоқли фермер хўжаликларида 184 гектар, Пахтаобод туманидаги фермер хўжаликларида эса 133 гектар, вилоят бўйича жами 317 гектар майдонларга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 25 августдаги 02/023-1016-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида гектаридан кузги буғдойдан 8,5-9,4 центнер, такрорий экин соядан 3,9-4,2 центнер, ғўзадан эса 4,5-5,6 центнер қўшимча ҳосил олишга эришилган;

қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:1, кузги буғдой+такрорий экин соя:ғўза тизимида кузги буғдойда маъдан ўғитлар меъёрига қўшимча равишда 15 т/га органиано-маъдан компостни қўллаш технологиялари Андижон вилояти Андижон туманида 184 гектар, Пахтаобод туманида 133 гектар жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 25 августдаги 02/023-1016-сон маълумотномаси). Натижада ғўзани парваришда қўлланиладиган маъдан ўғитлар меъёрларини 20-25 фоизга тежаш имконини ҳамда юқори иқтисодий самарадорлик (830500 сўм/га соф фойда) олиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари ЎзҚХИИЧМ ва Тошкент давлат аграр университетининг Андижон филиали томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, ҳисоботлар Тош ДАУ Андижон филиалнинг илмий ва услубий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари Республика ва Халқаро илмий анжуманларида 4 марта маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий мақола чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, 3 та республика ва 1 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик

даражаси, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияда ижобий баҳоланганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Вўза мажмуидаги экинларда маъдан ўғитлар ва компостлар қўллашнинг тупроқ унумдорлиги ҳамда экинлар ҳосилдорлигига таъсири бўйича илмий манбалар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида, мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиқиб, тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини оширишда такрорий экинларнинг аҳамияти, кузги буғдойдан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда маҳаллий ва маъдан ўғитлардан тўғри фойдаланиш ҳамда алмашлаб экиш тизимларига асосланган ҳолда кузги буғдойни тўғри озиклантириш борасида маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижалари келтирилган. Адабиётлар таҳлилининг сўнгида ғўзани парваришда маъдан ўғитлар меъёрларини тўғри белгилаш, маҳаллий ўғитлардан фойдаланишни тўғри ташкил этиш, ғўза етиштиришда унинг озиклантириш меъёрларини қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларида ўтмишдон экинлар турларидан келиб чиққан ҳолда тўғри белгилаш орқали тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш ва ғўза мажмуидаги экинлардан юқори ҳосил олишда иқтисодий жиҳатдан самарали агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва Республика фермер хўжаликларида жорий қилиш зарурияти бўйича хулоса баён қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказиш шароитлари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида, тажриба ўтказилган минтақанинг географик ўрни, тадқиқотлар ўтказилган ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари, шунингдек тадқиқотда қўлланилган агротехник тадбирлар келтирилган.

Андижон вилоятининг эскидан суғориладиган оч тусли бўз тупроқларининг механик таркиби ўртача қумоқ бўлиб, карбонатли қатламлар юқоридан 12-20 см, пастдан эса 50-100 сантиметрда бўлиб, CO₂ миқдори 6-9 %. Тупроқнинг 0-30 см қатламида гумус миқдори 1,0-1,5 фоизни, умумий азот 0,04-0,09 фоизни, фосфор 0,2-0,25 фоизни ташкил этиб, умумий калий миқдори 2,7-2,9 фоизгача бўлади. Сизоб сувлари 4-5 метр чуқурликда жойлашган.

Дала тажрибалари Андижон вилоятининг Андижон туманидаги “Омад-97” фермер хўжалиги далаларида ўтказилиб, илмий-тадқиқотлар «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах» (1963), «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (2007) услубий қўлланмалари асосида олиб борилган. Тажрибалардан олинган маълумотларга статистик ишлов бериш Б.Доспехов (1985) нинг услубий қўлланмаси бўйича дисперсион таҳлил асосида ҳисоблаб чиқарилганлиги баён қилинган.

Агрохимёвий таҳлилларни олиб боришда тупроқнинг ҳайдов 0-30 ва ҳайдов ости 30-50 см қатламларидан тупроқ намуналари олиниб, гумус миқдори И.В.Тюрин, азот ва фосфорнинг умумий миқдорлари Л.П.Гриценко, И.М.Мальцева, нитратли азот миқдори Гранвальд-Ляжу, ҳаракатчан фосфор миқдори Б.П.Мачигин, алмашинувчи калий миқдори алангали фотометрда П.В.Протасов, тупроқнинг ҳажм массаси цилиндр ёрдамида Н.А.Качинский ҳамда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги металл халқа усулида аниқланган.

Тажрибалар қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:1, кузги буғдой+такрорий экин – соя: ғўза тизимида олиб борилиб, 12 вариантни ўз ичига олган бўлиб, 3 такрорланишда ва вариантлар 1 та ярусда жойлаштирилган. Ҳар бир вариантнинг умумий майдони $4,8 \times 50 = 240 \text{ м}^2$, шундан ҳисоблиси 120 м^2 ни ташкил этган. Тажрибанинг умумий эгаллаган майдони 0,864 гектар. Тажрибада эгатлар кенлиги 60 см, эгат узунлиги 50 м. Тажрибада кузги буғдойнинг “Краснодарская-99”, соянинг “Орзу” ва ғўзанинг “Андижон-36” навлари экилган.

Тажриба тизими бўйича кузги буғдойда маъдан ўғитларнинг N-180, P₂O₅-125, K₂O-90 кг/га меъёри ва маъдан ўғитларнинг N-180, P₂O₅-125, K₂O-90 кг/га меъёри + 15 т/га органиано-маъдан компостлар қўлланилган фонларда кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида соя экилган ва экилмаган вариантлари ўрганилган. Такрорий экин сифатида етиштирилган сояда маъдан ўғитларнинг N-25, P₂O₅-90, K₂O-60 кг/га меъёри қўлланилган. Ғўзада эса кузги буғдой ва ундан сўнг такрорий экин сифатида соя етиштирилган ҳамда такрорий экин етиштирилмай яратилган 4 та фонда маъдан ўғитларнинг уч хил N-150, P₂O₅-100, K₂O-75, N-200, P₂O₅-140, K₂O-100 ва N-250, P₂O₅-175, K₂O-125 кг/га меъёрлари қўлланилиб, тупроқнинг агрофизик ва агрохимёвий ҳоссаларига ҳамда ғўза мажмуидаги экинларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига бўлган таъсири 4 йил мобайнида ўрганилган (2012-2016 йиллар). Дала тажрибалари қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:1 тизимида олиб борилганлиги сабабли вақт ва замонда олиб борилиб, 3 та далада ўтказилган.

Тажрибада ғўза мажмуидаги экинларнинг ўсиши ва ривожланишини кузатиб бориш ишлари қабул қилинган услубномалар асосида олиб борилиб, ҳисоб китоблар қилинган. Ўтказилган барча агротехник тадбирлар жорий этилган тавсиялар асосида олиб борилган.

Диссертациянинг **“Қўлланилган агротехник тадбирларга боғлиқ ҳолда кузги буғдой ва такрорий экин соянинг ўсиши, ривожланиши ҳамда тупроқ унумдорлигини ўзгариши”** деб номланган учинчи бобида, кузги буғдойда қўлланилган органиано-маъдан компост ва маъдан ўғитлар меъёрларини кузги буғдой ва ундан сўнг такрорий экин сифатида етиштирилган соянинг уруғларини униб чиқиш даражасига, кўчат калинлигига, ўсиши ва ривожланишига, биометрик кўрсаткичларига, кузги буғдойда дон ва сомон, такрорий экин сояда дон ва пичан ҳосилдорлигига, доннинг сифат кўрсаткичларига ҳамда ушбу экинларнинг тупроқда қолдираётган анғиз ва илдиз қолдиқлари миқдорларига, анғиз ва илдиз қолдиқлари орқали тупроққа қайтаётган умумий азот, фосфор ва калий миқдорларига таъсирига оид маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотларда кузги буғдойнинг “Краснодарская-99” нави экилган бўлиб, унинг уруғларини униб чиқиш даражасига қўлланилган органо-маъдан компост ва маъдан ўғитларни таъсир этганлиги кузатилиб, кузги буғдойда маъдан ўғитларнинг N-180, P₂O₅-125, K₂O-90 кг/га меъёри қўлланилган 1 ва 3-вариантларда ниҳолларни униб чиқиш даражаси 91,8-90,9 % ни ташкил этган бўлса, юқорида келтирилган маъдан ўғитлар меъёрига қўшимча равишда 15 т/га органо-маъдан компост қўлланилган 2 ва 4- вариантларда эса униб чиққан ниҳоллар 92,3-92,3 % ни ташкил этган. Бу эса ўз навбатида қўлланилган 15 т/га органо-маъдан компост ҳисобига 0,5-1,4 фоизга кўпроқ ниҳолларни униб чиқишини таъминлаган.


Кузги буғдойда маъдан ўғитларнинг N-180, P₂O₅-125, K₂O-90 кг/га меъёри + 15 т/га компост қўлланилган фондаги 2-4 вариант (фон) ларда кузги буғдойнинг амал даври охирида кўчат қалинликлари 291,3-289,1 м²/донани, ўсимликнинг бўйи 90,1-93,5 сантиметрни, умумий поялар сони 534,2-541,0 м²/донани, маҳсулдор поялар сони 392,1-393,2 м²/донани ташкил этиб, фақат маъдан ўғитларнинг N-180, P₂O₅-125, K₂O-90 кг/га меъёри қўлланилган вариантларга нисбатан кўчат қалинликлари 10,6-8,7 м²/донага, ўсимликнинг бўйи 3,3-7,7 сантиметрга, умумий поялар сони 10,1-10,7 м²/донага, маҳсулдор поялар сони 12,0-13,1 м²/донага юқори бўлганлиги аниқланган (1-расм).

Кузги буғдой бошоғидаги донлар сони 38,1-38,6 ва 41,8-42,0 донани, 1000 дона дон вазни эса 38,1-38,4 ва 42,2-42,6 гектарни ташкил этган бўлиб, компост таъсирида мос равишда 3,7-3,4 дона ва 4,1-4,2 гектарга юқори бўлганлиги аниқланган.

Кузги буғдойда маъдан ўғитларнинг N-180, P₂O₅-125, K₂O-90 кг/га меъёри қўлланилган вариантда дон ҳосилдорлиги уч йилда ўртача 47,8 ц/га ни ташкил этган бўлса, маъдан ўғитларнинг N-180, P₂O₅-125, K₂O-90 кг/га меъёри фонда 15 т/га органо-маъдан компост қўлланилган 2 вариантда эса уч йилда ўртача 62,4 ц/га ни ташкил этган бўлиб, фақат маъдан ўғитлар қўлланилган вариантга нисбатан 14,6 ц/га қўшимча дон ҳосили олинган. Сомон ҳосили эса фақат маъдан ўғитлар қўлланилган вариантда 54,1 ц/га ни ташкил этган бўлса, маъдан ўғитлар меъёрига қўшимча равишда 15 т/га органо-маъдан компост қўлланилган вариантда 68,4 ц/га ни ташкил этган.

Тадқиқотларда аниқланишича, маъдан ўғитларнинг N-180, P₂O₅-125, K₂O-90 кг/га меъёри қўлланилган вариантларда (1 ва 3) кузги буғдой донининг таркибидаги оксил миқдори 13,8-14,0 фоизни ташкил қилган бўлса, маъдан ўғитларнинг N-180, P₂O₅-125, K₂O-90 кг/га меъёри + 15 т/га органо-маъдан компост қўлланилган 2 ва 4 вариантларда (фон) оксил миқдори 14,6-14,9 фоизни ташкил этиб, фақат маъдан ўғитлар қўлланилган вариантга нисбатан 0,8-0,9 % юқори бўлганлиги аниқланган. Дон таркибидаги клейковина миқдорлари ҳам вариантлар орасида юқоридаги тартибда ўзгарган ҳолда компост таъсирида 0,9-0,8 фоизга юқори бўлганлиги қайд этилган.

Кузги буғдойда яратилган 4 та фоннинг (вариант) 2 тасида (1 ва 2 вар.) такрорий экин экилмаганлиги сабабли соянинг ўсиши ва ривожланишига кузги буғдойда қўлланилган маъдан ўғитлар меъёри ҳамда органо-маъдан компостнинг сўнгги таъсири 3-4 вариантларда аниқланган.



$НСР_{05}=1,64$ ц/га, 2,94 %

1-расм. Кузги буғдойда маъдан ўғитлар ва органо-маъдан компост қўллашнинг унинг кўчат калинлиги, умумий ва маҳсулдор поялар сони ҳамда дон ва сомон ҳосилига таъсири (2014 йил).


Бу экинда ҳам олинган маълумотлар тадқиқот йиллари бўйича деярли фарқланмаганлиги боис 2014-йил шароитидагиси баён этилган.

Кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида соянинг “Орзу” нави экилган бўлиб, унинг уруғларини униб чиқиш даражасига кузги буғдойда қўлланилган маъдан ўғитлар ва органо-маъдан компостнинг таъсир этганлиги кузатишган. Кузги буғдойда маъдан ўғитларнинг N-180, P₂O₅-125, K₂O-90 кг/га меъёри қўлланилган 3-вариантда (сояда маъдан ўғитлар бир хил N-25, P₂O₅-90, K₂O-60 кг/га меъёрда солинган) 96,7 % ниҳоллар униб чиққан бўлса, кузги буғдойда маъдан ўғитларнинг N-180, P₂O₅-125, K₂O-90 кг/га меъёри + 15 т/га органо-маъдани компост қўлланилган 4-вариантда 98,4 фоизни ташкил этиб, 1,7 фоизга юқори бўлган.

Соянинг ўсиши ва ривожланиши бўйича олинган маълумотларга кўра, кузги буғдойда фақат маъдан ўғитлар қўлланилган фонда такрорий экин сифатида соя етиштирилган 3-вариантда амал даврининг охирида ўсимликнинг бўйи 73,3 сантиметрни, битта ўсимликдаги дуккаклар сони 39,8 донани, битта ўсимликдаги донлар сони 99,0 донани, 1000 дона дон вазни эса 128,2 гектарни ташкил этган бўлса, кузги буғдойда маъдан ўғитлар меъёрига кўшимча равишда 15 т/га органо-маъдан компост қўлланилган фонда такрорий экин сифатида соя етиштирилган 4-вариантда эса бу кўрсаткичлар мос равишда 78,1 см, 42,1 дона, 105,0 дона ва 136,4 гектарга тенг бўлиб, 3-вариантга нисбатан 6,8 см, 2,3 дона, 7 дона ва 8,2 гектарга юқори бўлганлиги аниқланган (2-расм).

Кузги буғдойда маъдан ўғитларнинг N-180, P₂O₅-125, K₂O-90 кг/га меъёри қўлланилган фонда такрорий экин сифатида соя етиштирилган 3-вариантда дон ҳосили уч йилда ўртача 29,1 ц/га ни ташкил этган бўлса, кузги буғдойда маъдан

Ўғитлар меъёрига қўшимча 15 т/га органико-маъдан компост қўлланилиб, соя этиштирилган 4-вариантда 33,1 ц/га ни ташкил этиб, 3-вариантга нисбатан 4,0 ц/га қўшимча дон ҳосили олинган.



$HCp_{05}=1,99$ ц/га

2-расм. Кузги буғдойда маъдан ўғитлар ва органико-маъдан компост қўллашнинг такрорий экин соянинг кўчат қалинлиги, битта ўсимликдаги дуккак сони, битта ўсимликдаги дон сони, 1000 дон дон вазни ҳамда дон ва пичан ҳосилига таъсири (2014 йил).

Кузги буғдойда маъдан ўғитларнинг N-180, P₂O₅-125, K₂O-90 кг/га меъёри қўлланилган 1, 3-вариант (фон) ларда илдиз ва анғиз қолдиқлари миқдори (0-50 см тупроқ қатламида) 32,8-34,1 ц/га ни, улар ҳисобига 1 га майдонда 24,9-26,0 кг азот, 14,5-14,7 кг фосфор ва 33,4-35,7 кг калий қолганлиги аниқланган бўлса, маъдан ўғитлар меъёрига қўшимча равишда органико-маъдан компост (15 т/га) қўлланилган 2, 4-вариантларда илдиз ва анғиз қолдиқлари миқдори 6,1-5,7 ц/га, азот миқдори 17,0-18,2 кг/га, фосфор миқдори 12,0-12,3 кг/га, калий миқдори эса 10,8-11,0 кг/га юқори бўлганлиги аниқланган.


Такрорий экин соянинг тупроқда қолдирган анғиз ва илдиз қолдиқлари ҳамда улар таркибидаги умумий NPK миқдорлари бўйича ҳам вариантлар орасидаги фарқланишлар деярли сақланиб қолганлиги қайд этилган.

Кузги буғдой ва такрорий экин сояда фақат маъдан ўғитлар меъёри тавсиялар асосида қўлланилган 3-вариантда сояни анғиз ва илдиз қолдиқлари 27,4 ц/га ни, улар ҳисобига 1 га майдонда 31,1 кг азот, 12 кг фосфор ва 22,5 кг калий қолганлиги аниқланган бўлса, кузги буғдойда маъдан ўғитлар фониде компост ҳам қўлланилган 4-вариантда бу кўрсаткичлар мутаносиб равишда 29,6 ц/га, 44,9; 19,6 ва 27,8 кг/га ни ташкил этиб, 2,2 ц/га, 13,8; 7,6; 5,3 кг/га юқори бўлганлиги аниқланган.

Диссертациянинг «Кузги буғдой ва такрорий экин соядан кейин экилган ғўзанинг ўғит меъёрларига боғлиқ ҳолда ўсиши, ривожланиши ва

ҳосилдорлиги» деб номланган тўртинчи бобида кузги буғдойда қўлланилган маъдан ўғитлар ва органио-маъдан компост ҳамда такрорий экин сифатида экилган соянинг ғўзада қўлланилган маъдан ўғитлар меъёрларига боғлиқ холда тупроқнинг агрофизик ва агрокимёвий хоссаларига, ғўза ниҳолларининг униб чиқиш даражаси ва кўчат қалинлигига, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, пахта ҳосили ва унинг технологик сифат кўрсаткичларига ҳамда вилт касаллиги билан зарарланиш даражасига таъсири келтирилган.

Кузги буғдойда қўлланилган 15 т/га органио-маъдан компост ва такрорий экин соянинг анғиз ҳамда илдиз қолдиқларининг ғўзадаги мақбул таъсири натижасида ғўзада маъдан ўғитларнинг N-150, P₂O₅-100, K₂O-75 кг/га меъёри қўлланилган вариантда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги назорат вариантыга нисбатан 142-120 м³/га, хажм массаси 0,007-0,002 г/см³ га, ғоваклиги эса 1,8-1,8 фоизга яхшиланганлиги кузатилган (3 ва 4-расмлар).




3-расм. Тупроқнинг хажм массаси, г/см³




4-расм. Тупроқнинг ғоваклиги, %

Оч тусли бўз тупроқлар унумдорлигини сақлаш ва ошириш учун қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:1, кузги буғдой+такрорий экин-соя: ғўза тизимида кузги буғдойда маъдан ўғитларнинг N-180, P₂O₅-125, K₂O-90 кг/га меъёри + 15 т/га органио-маъдан компост қўллаш ва такрорий экин сифатида соя экиб, ғўзада маъдан ўғитларнинг N-150, P₂O₅-100, K₂O-75 кг/га меъёри қўлланилса тупроқдаги умумий чиринди микдори унинг 0-30 ва 30-50 см қатламларида 1,100-0,950 %, азот 0,115-0,090 %, фосфор 0,196-0,176, калий эса 1,68-1,59 фоизни ташкил этиб, кузги буғдойда фақат маъдан ўғитлар қўлланилиб, сўнгра такрорий экин сифатида соя экилган вариантга нисбатан 0,012-0,005 %, 0,005-0,002 %, 0,003-0,003 % ва 0,006-0,005 фоизга юқори бўлиши аниқланган (5-расм).



5-расм. Мадан ўғитлар меъёрлари ва органино-маъдан компост ҳамда такрорий экин соянинг тупроқдаги озика моддаларнинг умумий шаклига таъсири (2015 йил).

ўғитларнинг N-150, P₂O₅-100, K₂O-75 кг/га меъёри қўлланилган вариантда кузатилиб, ўсимликнинг бўйи (1-августда) 98,0 сантиметрни, ҳосил шоҳлари сони 15,2 донани, кўсақлар сони 14,1 донани, шундан очилганлари 3,9 донани ташкил этиб, кузги буғдойда фақат маъдан ўғитлар қўлланилиб соя экилган вариантга нисбатан юқоридаги кўрсаткичлар мутаносиб равишда 3,5 см, 0,4 дона, 0,5 дона ва 0,1 донга юқори бўлганлиги аниқланган (6-расм).



НСР₀₅=0,60 ц/га

6-расм. Мадан ўғитлар меъёрлари ва органино-маъдан компост ҳамда такрорий экин сояни ўзанинг кўчат калинлиги, битта ўсимликдаги кўсақ сони, куруқ масса тўплаши ва пахта ҳосилига таъсири (2015 йил).

Нисбатан юқори пахта ҳосили кузги буғдойда маъдан ўғитларнинг N-180, P₂O₅-125, K₂O-90 кг/га меъёри + 15 т/га органино-маъдан компост қўлланилиб, сўнгра такрорий экин сифатида соя экилган вариантда, ўзада маъдан ўғитларнинг N-150, P₂O₅-100, K₂O-75 кг/га меъёри қўлланилганда

олинган ва 3 йилда ўртача 39,8 ц/га ни ташкил этиб, соянинг таъсиридан 6,4 ц/га, компостнинг сўнгги таъсиридан 2,0 ц/га, компост билан соянинг биргаликдаги таъсиридан эса 8,4 ц/га қўшимча ҳосил олинганлиги қайд этилган.

Пахта толасининг нисбатан юқори технологик сифат кўрсаткичлари кузги буғдойда маъдан ўғитларнинг N-180, P₂O₅-125, K₂O-90 кг/га меъёри + 15 т/га орғано-маъдан компост қўлланилиб, сўнгра такрорий экин соядан кейин экилган ғўзада маъдан ўғитларнинг N-150, P₂O₅-100, K₂O-75 кг/га меъёри қўлланилган вариантда олинган. Тола чиқими 39,1 %, 1000 дона чигит вазни 118,2 г, саноат нави биринчи, узилиш кучи 4,3 гк, чизиқли зичлиги 180 м/текс, етилиш коэффиценти 2,1 ва нисбий узилиш кучи 25,8 га тенг бўлиб, такрорий экин соя экилган вариантга нисбатан тола чиқими 0,9 %, нисбий узилиш кучи 0,7 га юқори бўлганлиги аниқланган.

Диссертациянинг **“Кузги буғдой, такрорий экин соя ва ғўзада қўлланилган агротехник тадбирларнинг иқтисодий самарадорлиги”** деб номланган бешинчи бобида, тажрибада қўлланилган агротадбирларни кузги буғдой, такрорий экин соя ҳамда ғўзадаги иқтисодий самарадорлиги келтирилган. Бунда кузги буғдойда маъдан ўғитларнинг N-180, P₂O₅-125, K₂O-90 кг/га меъёри + 15 т/га орғано-маъдан компост қўлланилган вариантда рентабеллик даражаси 27,8 фоизга тенг бўлиб, назоратга нисбатан 11,0 фоизга юқори бўлган бўлса, такрорий экин сифатида экилган соя экинида ҳам кузги буғдойда маъдан ўғитларнинг N-180, P₂O₅-125, K₂O-90 кг/га меъёри + 15 т/га орғано-маъдан компост қўлланилган фонда етиштирилган вариантда рентабеллик даражаси юқори бўлиб, 180,2 фоизни ташкил этган. Бу эса назорат вариантыга нисбатан 30,2 фоизга юқори бўлишини таъминлаган.

Ғўзада нисбатан юқори шартли соф фойда (1251000 сўм/га) кузги буғдойда маъдан ўғитларнинг N-180, P₂O₅-125, K₂O-90 кг/га меъёри + 15 т/га орғано-маъдан компост қўлланилиб, такрорий экин сифатида соя етиштирилган фонда, ғўзада маъдан ўғитларнинг N-150, P₂O₅-100, K₂O-75 кг/га меъёри қўлланилган вариантда олинган бўлиб, бунда рентабеллик даражаси 35,4 фоизга тенг бўлган. Бу кўрсаткич такрорий экин соя экилган вариантникига нисбатан 4,8 фоизга, кузги буғдойда орғано-маъдан (15 т/га) компост қўлланилиб, такрорий экин экилмаган фонда ғўза маъдан ўғитларнинг N-200, P₂O₅-140, K₂O-100 кг/га меъёри қўлланилган вариантга нисбатан эса 10,3 фоизга юқори бўлишини таъминлаган.

Диссертациянинг **“Ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган тажрибалари натижаси”** деб номланган олтинчи бобида, дала шароитида ўтказилган тажрибалардан олинган маълумотларга хулоса қилинган. Андижон вилоятининг Андижон, Пахтаобод туманларидаги ғўза ва ғалла етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларида жами 317 гектар майдонларга қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:1, кузги буғдой+такрорий экин-соя: ғўза тизимида кузги буғдойда маъдан ўғитларнинг N-180, P₂O₅-125, K₂O-90 кг/га меъёри + 15 т/га орғано-маъдан компост қўлланилган фонда такрорий экин сифатида соя етиштириб, келгуси йили ғўзада маъдан ўғитларнинг N-150, P₂O₅-100, K₂O-75 кг/га меъёри қўлланилганлиги келтирилган.

Кузги буғдойда маъдан ўғитларнинг N-180, P₂O₅-125, K₂O-90 кг/га меъёри қўлланилган (назорат) вариантыда амал даври охирида ўсимликнинг бўйи 82,5 сантиметрни, умумий поялар сони 470,5 донани, шундан маҳсулдорлари 370,1 донани, бир бошокдаги дон сони 38,1 донани, оғирлиги эса 1,35 г ни, 1000 дон дон вазни 32,0 г ни ташкил этиб, 46,5 ц/га дон ва 53,1 ц/га сомон ҳосили олинган бўлса, орғано-маъдан (15 т/га) компост қўлланилганда бу кўрсаткичлар мос равишда 13,6 см, 20,3; 19,1 м²/донани, 3,1; 0,15 г, 6,7 г ва 17,8-20,1 ц/га юқори бўлган.

Кузги буғдойдан кейин мазкур фонларга такрорий экин сифатида соя экилиб, маъдан ўғитларнинг N-25, P₂O₅-90, K₂O-60 кг/га меъёри қўлланилган бўлиб, ўсув даврининг охирида назорат вариантыда ўсимликнинг бўйи 70,5 см, ҳосил шохлари сони 7,1 дон, дуккаклар сони 36,9 дон, битта ўсимликдаги донлар сони 96 донани, 1000 дон дон вазни эса 127,3 г ни ташкил этиб, 27,6 ц/га дон ҳосили олинган бўлса, кузги буғдойда 15 т/га орғано-маъдан компост қўлланилиб, сўнгра такрорий экин сифатида соя экилган вариантда юқоридаги кўрсаткичлар барчаси нисбатан кўпроқ бўлиб, сояни дон ҳосили 4,1 ц/га юқори бўлган.

Такрорий экин соядан кейин келгуси (2017) йили экилган ғўзада маъдан ўғитларнинг N-200, P₂O₅-140, K₂O-100 кг/га меъёри қўлланилган (назорат) вариантыда (чунки дала тажрибасида ғўзада шу ўғитлар меъёрларда қўлланилганда яхши натижалар олинган) амал даври охирида ўсимликнинг бўйи 85,2 см, ҳосил шохлари сони 13,1 дон, кўсақлар сони 11,2 донани ташкил этиб, 35,3 ц/га пахта ҳосили олин бўлса, кузги буғдойда 15 т/га орғано-маъдан компост қўлланилиб, такрорий экин соядан кейин экилган ғўзада маъдан ўғитларнинг N-150, P₂O₅-100, K₂O-75 кг/га меъёри қўлланилган вариант (10) да барча кўрсаткичлар назоратга нисбатан яхшиланган ҳолда 5,3 ц/га қўшимча пахта ҳосили олинган.

Фермер хўжаликларида тупроқ унумдорлигини яхшилаш, ғўза мажмуидаги экинлардан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:1, кузги буғдой + такрорий экин – соя: ғўза тизимида кузги буғдойда маъдан ўғитларнинг N-180, P₂O₅-125, K₂O-90 кг/га меъёри + 15 т/га орғано-маъдан компост қўллаб, такрорий экин сифатида соя экиш ҳамда ғўзада маъдан ўғитларнинг N-150, P₂O₅-100, K₂O-75 кг/га меъёри қўлланилса етарли бўлиши аниқланган.

ХУЛОСАЛАР

1. Оч тусли бўз тупроқлар шароитида қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:1 тизимида кузги буғдойда маъдан ўғитларнинг N-180, P₂O₅-125, K₂O-90 кг/га меъёри + 15 т/га орғано-маъдан компост қўлланилган фонларда тупроқнинг 0-50 см қатламида кузги буғдойнинг анғиз ва илдиз қолдиқлари миқдори жами 38,9-39,8 ц/га ни ташкил этиб, фақат маъдан ўғитлар қўлланилган вариантга нисбатан 6,1-5,7 ц/га юқори бўлган. 1 гектар ерда қолган умумий азот миқдори эса 41,9-44,2 кг ни ташкил этиб, 17,0-18,2 кг/га юқори бўлганлиги аниқланган.

2. Кузги буғдойда маъдан ўғитларнинг N-180, P₂O₅-125, K₂O-90 кг/га меъёри қўлланилган фонда такрорий экин сифатида соя етиштирилган вариантда жами анғиз ва илдиз қолдиқлари 27,4 ц/га ни ташкил этган бўлса, кузги буғдойда маъдан ўғитларнинг N-180, P₂O₅-125, K₂O-90 кг/га меъёри + 15 т/га органиано-маъдан компост қўлланилган фонда соя етиштирилган вариантда эса 29,6 ц/га ни ташкил этиб, фақат маъдан ўғитлар қўлланилган фонга нисбатан 2,2 ц/га юқори бўлганлиги кузатилиб, 1 гектар майдонда соядан кейин 31,1-44,9 кг/га умумий азот қолганлиги тахлил этилган.

3. Дон ҳосилдорлиги бўйича энг юқори кўрсаткич кузги буғдойда маъдан ўғитларнинг N-180, P₂O₅-125, K₂O-90 кг/га меъёри + 15 т/га органиано-маъдан компост қўлланилган вариантда олиниб, уч йилда ўртача 63,1 ц/гани ташкил этган бўлса, ушбу фонда такрорий экин сифатида етиштирилган соянинг дон ҳосили 32,3 ц/га ни ташкил этиб, фақат маъдан ўғитлар қўлланилган вариантга нисбатан кузги буғдойда 15,1 ц/га, сояда 4,0 ц/га қўшимча дон ҳосили олинган.

4. Кузги буғдойда қўлланилган 15 т/га органиано-маъдан компостнинг 2-йил сўнгги таъсири ва соянинг анғиз ва илдиз қолдиқларининг ғўзадаги мақбул таъсири натижасида ғўзада маъдан ўғитларнинг N-150, P₂O₅-100, K₂O-75 кг/га меъёрларда қўлланилган вариантда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги назоратга нисбатан 142-120 м³/га, ғоваклиги 1,8-1,8 % га ва хажм массаси 0,007-0,002 г/см³ га яхшиланганлиги кузатилган.

5. Оч тусли бўз тупроқлар унумдорлигини сақлаш ва ошириш учун қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:1, кузги буғдой+такрорий экин-соя : ғўза тизимида кузги буғдойда маъдан ўғитларнинг N-180, P₂O₅-125, K₂O-90 кг/га меъёри + 15 т/га органиано-маъдан компост қўллаш ва такрорий экин сифатида соя экиб, ғўзада маъдан ўғитларнинг N-150, P₂O₅-100, K₂O-75 кг/га меъёри қўлланилса тупроқдаги умумий чиринди миқдори 0-30 ва 30-50 см қатламларида 1,100-0,950 %, азот 0,115-0,090 %, фосфор 0,196-0,176, калий эса 1,68-1,59 фоизни ташкил этиб, кузги буғдойда фақат маъдан ўғитлар қўлланилиб, сўнгра соя экилган вариантга нисбатан 0,012-0,005 %, 0,005-0,002 %, 0,003-0,003 % ва 0,006-0,005 фоизга юқори бўлганлиги аниқланган.

6. Ғўзани нисбатан мақбул ўсиб, ривожланиши кузги буғдойда маъдан ўғитларнинг N-180, P₂O₅-125, K₂O-90 кг/га меъёри + 15 т/га органиано-маъдан компост қўлланилиб, сўнгра такрорий экин соядан кейин ғўзада маъдан ўғитларнинг N-150, P₂O₅-100, K₂O-75 кг/га меъёри қўлланилганда олинган ва ўсимликнинг бўйи (1-августда) 98,0 см, ҳосил шохлари сони 15,2 дон, кўсақлар 14,1 ва шу жумладан очилганлари 3,9 донани ташкил этиб, кузги буғдойда фақат маъдан ўғитлар қўлланилиб соя экилган вариантга нисбатан юқоридаги кўрсаткичлар мос равишда 3,5 см, 0,4; 0,5 ва 0,1 донага юқори бўлганлиги аниқланган.

7. Нисбатан юқори пахта ҳосили кузги буғдойда маъдан ўғитларнинг N-180, P₂O₅-125, K₂O-90 кг/га меъёри + 15 т/га органиано-маъдан компост қўлланилиб, сўнгра такрорий экин сифатида соя экилган вариантда, ғўзада маъдан ўғитларнинг N-150, P₂O₅-100, K₂O-75 кг/га меъёри қўлланилганда олинган ва 3 йилда ўртача 39,8 ц/га ни ташкил этиб, соянинг таъсиридан

6,4 ц/га, компостнинг сўнгги таъсиридан 2,0 ц/га, компост билан соянинг биргаликдаги таъсиридан эса 8,4 ц/га кўшимча ҳосил олинган.

8. Пахта толасининг нисбатан юқори технологик сифат кўрсаткичлари кузги буғдойда маъдан ўғитларнинг N-180, P₂O₅-125, K₂O-90 кг/га меъёри + 15 т/га органо-маъдан компост қўлланилиб, сўнгра такрорий экин соядан кейин экилган ғўзада маъдан ўғитларнинг N-150, P₂O₅-100, K₂O-75 кг/га меъёри қўлланилганда олинган ва тола чиқими 39,1 %, 1000 дона чигит вазни 118,2 г., саноат нави биринчи, узилиш кучи 4,3 гк., чизикли зичлиги 180 м/текс, етилиш коэффиценти 2,1 ва нисбий узилиш кучи 25,8 га тенг бўлиб, такрорий экин соя экилган вариантга нисбатан тола чиқими 0,9 %, нисбий узилиш кучи 0,7 га юқори бўлганлиги аниқланган.

9. Кузги буғдойда нисбатан юқори шартли соф фойда маъдан ўғитларнинг N-180, P₂O₅-125, K₂O-90 кг/га меъёри + 15 т/га органо-маъдан компост қўлланилганда олиниб, 768000 сўм/га, рентабеллик даражаси 27,8 % ни, такрорий экин сояда ҳам шу вариантда шартли соф фойда 4047000 сўм/га ни ва рентабеллик даражаси 181,2 % ни ташкил этиб, назорат вариантларга нисбатан мутаносиб равишда 380000 сўм/га -11,0 % ҳамда 747000 сўм/га-31,2 % га юқори бўлган. Ғўзада эса нисбатан юқори шартли соф фойда юқоридаги фонда маъдан ўғитларнинг N-150, P₂O₅-100, K₂O-75 кг/га меъёри қўлланилган варианда олинди ва 1251000 сўм/га ни, рентабеллик даражаси эса 35,4 фоизни ташкил этиб, назорат вариантыга нисбатан шартли соф фойда 830500 сўм/га ва рентабеллик даражаси 23,1 % га юқори бўлган.

10. Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:1, кузги буғдой + такрорий экин - соя: ғўза тизимида тупроқ унумдорлигини яхшилаш ва экинлардан юқори, сифатли ҳосил олиш учун кузги буғдойда маъдан ўғитларнинг N-180, P₂O₅-125, K₂O-90 кг/га меъёри + 15 т/га органо-маъдан компост қўллаш, сўнгра такрорий экин сифатида сояда маъдан ўғитларнинг N-25, P₂O₅-90, K₂O-60 кг/га меъёри ва асосий экин ғўзада маъдан ўғитларнинг N-150, P₂O₅-100, K₂O-75 кг/га меъёрини қўллаш тавсия этилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.42.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ
ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

**АНДИЖАНСКИЙ ФИЛИАЛ ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО
АГРАРНОГО УНИВЕРСИТЕТА**

ХАТАМОВ САЛИМЖОН РАХИМЖОН УГЛИ

**ВЛИЯНИЕ ОРГАНОМИНЕРАЛЬНЫХ КОМПОСТОВ И НОРМ
УДОБРЕНИЙ НА ПЛОДОРОДИЕ СВЕТЛО-СЕРОЗЕМНЫХ ПОЧВ, А
ТАКЖЕ УРОЖАЙНОСТЬ КУЛЬТУР
(В УСЛОВИЯХ АНДИЖАНСКОГО ВИЛОЯТА)**

06.01.01–Общее земледелие. Хлопководство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.2.PhD/Qx268.

Диссертация выполнена в Андижанском филиале Ташкентского аграрного университета

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресам www.cottonagro.uz и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz

Научный руководитель: **Иминов Абдували Абдуманнобович**
кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты: **Орипов Раззок Орипович**
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Болтаев Сайдулла Махсудович
доктор сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация: **Национальный университет Узбекистана**

Защита состоится «_____» _____ 2018 г. в _____ часов на заседании научного совета 27.06.2017.Qx 42.01 при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка, по адресу: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника., ул. УзПИТИ. Тел. (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37, e-mail: riim@agro.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирован за №_____) Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2018 года
(реестр протокола рассылки № _____ от _____ 2018 г.)

Ш.Нурматов

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней доктора наук, д.с.-х.н., профессор

Ф.М.Хасанова

Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней доктора наук, к.с.-х.н., старший научный сотрудник

Ж.Х.Ахмедов

Председатель научного семинара по присуждению учёных степеней доктора наук, д.б.н., профессор

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день во всем мире хлопчатник выращивается в 84 странах, на общей площади 32-33 млн. га. При этом, ежегодно выращивается более 25 млн. хлопка из расчета на гектар площади. Кроме того, на площади 220,4 млн. га выращивается озимая пшеница со средним урожаем 31,1 ц/га¹. Зернобобовые и зерновые культуры, выращиваемые в качестве повторных, занимают площадь 91,6 млн. га, средний урожай которых составляет 12,0-13,0 т/га, а валовой сбор – 206,4 млн. тонн².

В мировой сельскохозяйственной практике, при краткосрочной системе посева, для получения высококачественных урожаев хлопка и культур хлопкового комплекса путем внесения удобрений для подпитывания культур, особое внимание уделяется исследованиям по определению оптимальных норм внесения удобрений в зависимости от типов культур, а также сокращению норм их внесения за счет применения органико-минерального компоста. Особенно актуальными являются вопросы правильного подбора повторных культур на площадях после уборки озимой пшеницы, обеспечивающих повышение плодородия почв, удовлетворение потребностей населения в продуктах питания, а животноводства – в кормах.

Для того, чтобы полностью удовлетворить потребности населения в продовольственных продуктах и повысить плодородие сельхозземель в стране, приводится широкомасштабное выращивание повторных культур на площадях, освободившихся от зерновых культур. В Стратегии Действий Республики Узбекистан на период 2017-2021 гг. определены такие задачи, как «... устойчивое развитие сельскохозяйственного производства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, расширение производства экологически чистой продукции, значительное увеличение экспортного потенциала аграрного сектора». В связи с этим, актуальными являются исследования по внесению органико-минерального компоста в дополнение к минеральным удобрениям под озимую пшеницу, посевам сои в качестве повторной культуры, повышению плодородия почв и дальнейшему снижению норм минеральных удобрений под посевы хлопчатника следующего года, для получения высококачественных урожаев хлопка и культур хлопкового комплекса в сельском хозяйстве нашей страны с широким применением краткосрочной системы посева.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит воплощению в жизнь задач, отмеченных в Указах Президента Республики Узбекистан №ПУ 2832 от 14.03.2017 «О мерах по увеличению в республике производства сои и организации выращивания соевых бобовых культур на период 2017-2021 гг.», в Указе Кабинета Министров №ПУ 105 от 10.02.2018 «О дополнительных мерах по усовершенствованию деятельности фермерских,

¹ <http://ab-centre.ru/page/proizvodstvo-pshenicy-v-mire-strany-proizvoditeli-pshenicy>

² <http://www.uz.denemetr.com>

деханских хозяйств и владельцев земельных участков», а также в других нормативно-правовых документах, касающихся этой сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данная работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

